

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАДЖИБАЕВ МАДАМИНЖАН МИРЗАЖАНОВИЧ

***FABACEAE, GENTIANACEAE, EUPHORBIACEAE, RESEDACEAE* VA *ASTERACEAE*
ТУРКУМ ЎСИМЛИКЛАРИДАН ФЕНОЛ ВА АЗОТ САҚЛОВЧИ
БИРИКМАЛАРИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УДК: 547.972+547.944/945547.918+547.914.4547.94+547.661547.94+547.78

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation(DSc)

Таджибаев Мадаминжан Мирзажанович

Fabaceae, Gentianaceae, Euphorbiaceae, Resedaceae ва *Asteraceae* туркум ўсимликларидан фенол ва азот сақловчи бирикмаларини ажратиб олиш ва идентификациялаш..... 5

Таджибаев Мадаминжан Мирзажанович

Выделение и идентификация фенольных и азотсодержащих соединений из растений семейств *Fabaceae, Gentianaceae, Euphorbiaceae, Resedaceae* и *Asteraceae*31

Tadjibayev Madaminjan Mirzajanovich

Distinguishing and identification of phenolic and nitrogen-containing compounds from plant families *Fabaceae, Gentianaceae, Euphorbiaceae, Resedaceae* and *Asteraceae*59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....61

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАДЖИБАЕВ МАДАМИНЖАН МИРЗАЖАНОВИЧ

***FABACEAE, GENTIANACEAE, EUPHORBIACEAE, RESEDACEAE* VA *ASTERACEAE*
ТУРКУМ ЎСИМЛИКЛАРИДАН ФЕНОЛ ВА АЗОТ САҚЛОВЧИ
БИРИКМАЛАРИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ВА ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.DSc/K15 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ботиров Эркин Хожиакбарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Шавкат Воҳидович
кимё фанлари доктори, профессор

Матчанов Алимжон Давлатбоевич
кимё фанлари доктори, кат. илм. ход.

Рамазанов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» ___ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси., 83. Тел.: 262-35-40, факс (99871)262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент. ш., Мирзо Улуғбек кўчаси., 83. Тел. 262-35-40, факс (99871)262-70-63).
@-mail: asrarov54@mail.ru

Диссертация автореферати 2018 йил «___» «_____» кунни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.И.Салихов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И.Асраров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби б.ф.д., профессор.

А.А.Ахунов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий хом-ашёлар асосида яратилаётган дори-дармонларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим вазифалардан бири ўсимлик хом-ашёлари асосида янги турдаги дори воситаларини чиқариш ва уларнинг турларини кенгайтиришдан иборат. Жаҳон тиббиёт амалиётида қўлланилувчи дори воситалари орасида касалликни олдини олиш ва даволашда қўлланилувчи препаратларнинг учдан бир қисмидан ортиқроғи ўсимлик хом-ашёлари асосида олинган бўлиб, уларнинг асосий қисмини фенол бирикмалари (флавоноидлар, изофлавоноидлар, ксантонлар, фенолкарбон кислотаси) ва азот сақловчи моддалар ташкил этади.

Жаҳон замонавий фармацевтика саноати табиий янги биологик фаол моддаларга ва фармакологик самарадорликка эга ўсимлик хом ашёларини ишлаб чиқаришга жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, дори воситаларини асосий қисми ўсимликдан олинган флавоноидлар, изофлавоноидлар, ксантонлар ва азот сақловчи бирикмалар асосида яратилган. Юқорида қайд этилган табиий бирикмалар синфининг бой манбалари республикамизда ўсадиган ва халқ табобатида дори воситалар сифатида кенг қўлланилувчи *Fabaceae*, *Gentianaceae*, *Euphorbiaceae*, *Resedaceae* ва *Asteraceae* оилаларига мансуб ўсимликлардан иборат. Ушбу ўсимликлар асосида янги дори воситалари яратиш мақсадида ажратиб олинган биологик фаол моддаларни кимёвий ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш бўйича илмий изланишларни олиб бориш соҳанинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда доривор ўсимликлар юқори самарали ва баъзан ўрнини алмаштириб бўлмайдиган дори-воситалари ишлаб чиқаришда беқиёс манба ҳисобланиб, фармацевтик препаратлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутаяди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, муайян натижаларга, жумладан, маҳаллий хом-ашёлардан самарали доривор воситаларни излаб топиш ва яратиш борасида маълум натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»¹ юзасидан муҳим *Pudosophora alopecuroides*, *Caragana alaica*, *Reseda luteola* ва *Gentiana algida* маҳаллий хом-ашёлар асосида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган янги самарали дори воситаларини яратиш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, нефроцизин, альпизарин, флонарин каби самарали препаратларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва фармонлари 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «Республика фармацевтик саноатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ўсимлик флавоноидлари, ксантонлари ва азот сақловчи бирикмалари асосида юқори биологик фаолликка эга бўлган дори воситаларини яратиш, кимёвий таркибини таҳлил қилиш, ажратиб олиш бўйича йўналтирилган илмий изланишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказ ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Phamaccutical Sciencess, Florence (Италия), Instituto Nacional de Engeuharia. Lisboa (Португалия), Rosa-Phytopharma лабораторияси, (Франция), фитокимёвий институт, София, (Болгария), С SIR-Indian Institute of Integrative medicine (Ҳиндистон), Institute of Pharmaceutical Sciences ва University of Freibug (Германия), Marmara Research Center ва Materials and Chemical Technologies Research Institute (Туркия), Nanjing University of Chinese medicine (Хитой), The Reserch Institute of Oriental medicine, Tokyo (Япония), Department of Pharmacognosy, Cairo University of Kasachi (Миср), Тиббиёт маҳсулотлари ва доривор воситалар яратиш давлат илмий маркази, Харьков (Украина), Бутуниттифоқ доривор ўсимликлар илмий текшириш институти (Россия Федерацияси) ҳамда Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Биоорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Юқори биологик фаолликка эга бўлган бирикмалар асосида дори воситаларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар: ўсимликлардан флавоноидлар ва ксантонлар ажратиб олинган ҳамда физикавий тадқиқот усуллари орқали уларнинг структуравий тузилишлари аниқланган (Флоренция университети, Италия); *Synar scolymus L.* баргидан «хофитол» (Rosa-Phytopharma лабораторияси, Франция); *Silybum marianum (L.) Gaertn* мевасидан «карсил» препаратлари яратилган (фитокимёвий институт, Болгария); *Hedysarum alpinum L.* ўсимлик ер усти қисмидан мангиферин ажратиб олиниб, унинг биологик фаоллиги аниқланган (Бутуниттифоқ доривор ўсимликлар институти, Россия); *Scutellaria baicalensis Gergi* ўсимлигидан флавоноидлар асосида «скутелла», «байкамин» препаратлари яратилган (Тиббиёт маҳсулотлари вадоривор воситалар яратиш давлат илмий маркази Харьков, Украина); *Ferula Varia* ўсимлигидан «нефроцизин» препарати, *Pseudosophora*

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи //www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

alopecuroides(L.) Sweet ўсимлик илдизидан «фланорин» яратилган (Ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон).

Дунёда ўсимликлардан биологик фаол моддалар олиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш ва уларнинг ажратиб олиш усуллари тақомиллаштириш; биологик фаол моддаларнинг тузилишларини аниқлаш бўйича тақомиллашган физик-кимёвий усуллари жорий қилиш; ўсимликлардан ажратиб олинган моддаларнинг биологик фаоллигини ва улар асосида турли касалликларни даволаш учун янги самарали дори воситаларини яратиш; флавоноид ва кумаринларнинг кимёси, биёсинтези ва фармакологияси асосида янги препаратларни ишлаб чиқиш; моддаларнинг табиий аралашмасини ажратиш ва бўлиш усуллари ишлаб чиқиш, маълум бўлган моддалар идентификацияси, янги бирикмаларнинг тузилишини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг тиббиёт билан боғлиқ етакчи илмий марказларида *Pseudosophora alopecuroides*, *Caragana alaica*, *Reseda luteola*, *Reseda lutea* ва *Gentiana algida* ўсимликлари юқори даволаш хоссасига эгаллиги аввалдан маълум бўлгани учун тақобатда кенг қўлланилиб келинмоқда. Мўғлистон тиббиётида *Pseudosophora alopocuroides* ўсимлиги сийдик чиқариш йўллари даволашда, Арманистонда бу ўсимлик илдизи куйганда яраларни битиртиришда қўлланилади. Тибетда қайд этилган ўсимликлар илдизи ҳароратни тушириш, йўталга қарши, умумий тетиклаштириш воситаси, юрак-қон томир касалликларини даволаш, дифтерия, ревматизм, ошқозон саратони, кўкрак қафаси касалликлари ва теританосил касалликларида қўлланилади.

Япониялик олимлар (I.Munekaju, O.Masayoshi, T.Toshiyki) томонидан *Pseudosophora alopecuroides* томиридан алопекурон А, алопекурон В, алопекурон С, алопекурон D, алопекурон Е, алопекурон G, 21-гидрогигнистеин, Е виниферин флавоноидлари ажратилган. Тибет тақобати совуқ газанда ўти интоксикация, томоқ ва нафас йўли (ўпка) касалликларида ҳамда ҳарорат туширувчи восита сифатида тавсия этади. *Resedaning* ҳар хил турларидан Франция, Жазоир, Миср олимлари апегенин, лютеолин, кемпферол, кверцетин, изорамнетин, β-гидроксифенил-N-метиласмин, горденин, 2-анилино-1,4-нафтахинон, холин, бетаин, глюкоза галлоил эфири каби моддалар ҳамда улардан баъзиларининг гликозидларини ажратиб олишган.

Илк бор, Ўзбекистонда, ўзбек кимёгар олимлари (Ботиров Э.Х., Юлдашев М.П. Маликов В.М.) томонидан *Pseudosophora alopecuroides* ўсимлигидан кверцетин, рутозид, глаброл, вексибидин, вексбинол каби флавоноидлар, *Gentiana*нинг ҳар хил турларида иридоид, пиридин қаторидаги алқалоидлари, ксантон, фитостерол, фитоэкдистероид, флавоноид, тритерпеноид, бензофенон ҳосилалари, *Gentiana karelinii*дан ксантонлардан изобеллидифолин, сверхириин, сверцианин (гентиакохианин), гентиакаулеин, сверциаперенин, мангиферин каби ксантонлар, изоориентин флаваноиди,

*Reseda luteola*дан фенил-β-нафтиламин, лутеанин алкалоидлари ажратиб олинган, *Pseudosophora alopecuroides* флавоноидларидан «фланорин» доривор восита яратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-Т184 «Ўзбекистон флораси ўсимликлари фенол бирикмалари ва терпеноидлари кимёси» (2012-2016) ва 4Ф 4.20. «Табиий фенол ва алкалоидларни тадқиқ этиш» (2012-2017) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиё худудида ўсувчи *Fabaceae*, *Gentianaceae*, *Euphorbiaceae*, *Resedaceae* ва *Asteraceae* туркумларига мансуб ўсимликлардан фенол ва азот сақловчи бирикмаларни ажратиб олиш ҳамда идентификациялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқ этилган ўсимликлардан флавоноидлар, ксантонлар ва азот сақловчи моддаларни ажратиб олиш схемасини ишлаб чиқиш;

ўсимлик турли қисмларидан ажратиб олинган бирикмаларни идентификациялаш, қарши синтезни амалга ошириш, моддаларнинг зарур сифат ва миқдор ўзгаришларини ўрганиш, янги моддаларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш; уларнинг кимёвий ва спектрал хоссаларини ўрганиш;

амалий ва илмий тиббиёт учун аҳамиятли бўлган моддаларни қайд этиш;

нефроцизин препарати таъсир этувчи моддаси – цинерозиднинг янги манбаларини топиш;

спектрал (ИҚ-, УБ-, ¹Н, ¹³С- ЯМР –спектроскопия, масс-спектрометрия) усуллари ёрдамида моддаларни идентификация қилиш;

янги моддаларнинг спектрал ва кимёвий хоссаларининг ўзига хослигини аниқлаш, амалий тиббиётда келгусида фойдаланиш мақсадида юқори фаол бирикмаларни излаб топиш;

алкалоидлар йиғилиш динамикасини ўсимлик органлари ва вегетация даврига боғлиқ тарзда ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти: Марказий Осиё регионидида ўсувчи 10 та туркум ўсимлик оилалари *Gentianaceae* (*Gentiana algida* Pall, *Gentiana Karelinii* Griseb.), *Fabaceae* (*Caragana alaiica* Pojark, *Pseudosophora alopecuroides* (L.) Sweet, *Psoralea drupaceae* Bunge. *Astragalus orbiculatis*) *Euphorbiaceae* (*Euphorbia ferganensis* B. Fedtsch.), *Resedaceae*(*Reseda luteola* L., *Reseda lutea* L.) ва *Asteraceae* (*Russowia sogdiana*(Bge). Fersch)га мансуб ўсимликларнинг турли қисмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Табиий флавоноидлар, изофлавоноидлар, ксантонлар, фенолкарбон кислоталар ва алкалоидлар.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда кимёвий (кислотали ва ферментатив гидролиз, ацетиллаш, метиллаш, қаталитик гидролаш, қайтариш, оксидлаш),

қарши синтез усуллари, хроматография ва физик-кимёвий таҳлил усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиё флорасига мансуб 10 та ўсимлик туркумидан ажратиб олинган 57 та табиий бирикма тузилиши исботланган;

янги модда сифатида 5 та бирикмалар (лютеолин-3-β-D-глюкофуранозид, ксилоглюкозид гентиакохианин, эллаг кислотасининг 3¹-О-метил эфири, β-оксифенилэтиламин, лутеанин) аниқланган;

илк бор *Gentiana algida* ўсимлиги асосан 1,3,5,8-тетрагидроксиксантон, *Gentiana Karelinii* ўсимлиги ер усти қисмидан эса 1,3,7,8-тетрагидроксиксантон ва мангиферин (1,3,6,7-тетрагидрокси-2-С-β-D-глюкопиранозилксантон) бирик-малари мавжудлиги аниқланган;

Gentiana ўсимлиги турлари ксантонларининг таркибий ўзига хосликлари қайд этилган, турларнинг хемосистематикаси учун қўлланилиши мумкинлиги исботланган;

Reseda luteola L. ўсимлиги алкалоидларнинг вегетатив даври, ўсимлик қисмларида йиғилиш динамикаси ва алкалоидлар суммасининг кўп йиғилиши ўсимликнинг шиддатли ўсиш даврига тўғри келиши аниқланган;

илк бор ўсимликларда β-нафтиламин ва бензоксазин бирикмалари аниқланган ва улар янги турдаги алкалоидлар эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқ табобатида кенг қўлланилаётган 10 туркумдаги ўсимликларнинг таркибидаги флавоноидлари, ксантонлари, фенолкарбон кислоталар ва азот сақловчи моддалари асосида яратилаётган янги дори воситасининг янги манбалари аниқланган;

ажратиб олинган алкалоидлар ичида резедин седатив ва транквилизатор таъсирга эга бўлиб, у фаоллиги жиҳатидан мепротан препаратидан устунлиги сабабли, уни амалиётга кенг қўллаш мумкин эканлиги аниқланган;

Gentiana karalinii ўсимлиги ер усти қисми оддий герпес, темиртки ва сувчечак, цитомегаловирусларга нисбатан вирусларга қарши фаолликка эга иммуностимуловчи таъсир кўрсатувчи алпизарин дори препаратининг асосий моддаси - мангифериннинг янги манбаи сифатида тавсия қилинган;

Caragana alaica Pojark ўсимлигидан ажратиб олинган лютеолин -7-О-β-D- галактопиринозид, *Pseudosophora (Vexibia) alopecuraides*дан ажратиб олинган вексобинол, трифолиризин, генистеин, изобавахин, *Russowia Sogdiana*дан олинган кварцетин, *Reseda luteola*дан ажратилган лютеолин, цинорозидларнинг захарли бирикмалар эмаслиги аниқланган ва улар амалиётда қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ажратиб олинган 57 та табиий бирикмаларнинг кимёвий тузилишини ўрганиш ва идентификациялашда кимёвий усуллар билан бир қаторда тадқиқотнинг замонавий физик-кимёвий ҳамда аналитик усуллари билан кенг фойдаланилганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг амалга

оширилиши, уларнинг республика ва халқаро конференциялардаги муҳокамаси бўлиб, натижаларнинг юқори импакт факторли рецензияланадиган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижасининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 5 та янги табиий моддаларнинг кимёвий тузилиши тасдиқлаш, илк мартаба *Reseda luteola L. va Reseda lutea L.* ўсимлигининг алкалоид таркиби Андижон вилояти Кўрғонтепа туманига қарашли янги жойларда етиштирилиб ўрганилганлиги, алкалоидларнинг энг кўп йиғилиш вақти ўсимликнинг шиддатли ўсиш даврига мос келиши ва ўсимлик қисмларига бевосита боғлиқ экани, ўсимликларда биринчи марта β-нафтиламин ва бензоксазин мавжудлиги мангиферин «алпизарин» препаратини олиш учун янги табиий манбалари яратиш бўйича аниқ муаммоларни ечиш имконини берди. Диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида табиий фенол ва азот сақловчи бирикмалар кимёси соҳасида янги изланишлар олиб бориш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гепатохимоя таъсирига эга бўлган, тиббиётда ўткир ва сурункали гепатитга қарши қўллаш учун ишлаб чиқиладиган «Нефроцизин» препарати учун *Reseda luteola* ўсимлиги янги қўшимча табиий манба сифатида таклиф қилинганлиги, *Gentiana Karelinii* ўсимлиги экстрактидаги мангиферин моддаси патоген микроорганизмларга қарши антибактериал ва бактерицид хоссаси туфайли сувни тозалашда қўлланиладигани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *FABACEAE, GENTIANACEAE, EUPHORBIACEAE, RESEDACEAE* ва *ASTERACEAE* туркум ўсимликларидан фенол ва азот сақловчи бирикмаларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фенол ва азот сақловчи моддалар асосида ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий тузилиши, спектрал таҳлил маълумотларидан б дан ортик хориждаги импакт - фактори (JIF) юқори илмий журналларда бирикмаларнинг молекуляр тузилиши ва физик-кимёвий тахлили учун фойдаланилган (*Chemosphere*, 2009, V.75, №3, IF3.79; *Aquatic Toxicology*, 2010, V.99, №3. IF 4.14; *Planta Medica*, 2014, N.80, №11. IF 0.08; *Phycologia*, 2015, V.54, №1. IF7.82; *Dyes and Pigments*, 2003, V.57, №3. IF3.473; *Carbohydrate research*, 2008, V. 343, №17. IF 2.096; *Journal of Separation Science*, 2008, V.31, №21. IF 2.56). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фенол ва азот сақловчи бирикмаларнинг молекуляр тузилиши ва фармакологик таъсирини тавсифлаш имконини берган;

ўсимликлардан ажратиб олинган 8 та алкалоид АҚШнинг Springer нашриётида чоп этилган «Natural Compounds Alkaloids Plant Sources, Structure and Properties» алкалоидлар тўплами рўйхатига киритилган (Springer, www.Springer.com). Натижада чет эл университет ва институтларида алкалоидлар бўйича маълумотлар сифатида фойдаланиш имконини берган;

Gentiana karelinii ўсимлик экстрактидаги мангиферин фенол бирикмасини ичимлик сувини патоген микроорганизмлардан тозаловчи бактерицид филтрловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг «Қамчик» девонидаги харбий қароргоҳларидаги сув тозалаш аппаратларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 36/3460-сон маълумотномаси). Натижада харбий қароргоҳнинг (хқ №17 «Резаксой», хқ №19 «Қамчик туннель», хқ №21 «Қизилсой катта туннель», хқ №23 «Карпон охангаронсой», хқ №22 «Саридалисой», хқ №11 «Эртошсой») объектларида сувни тозалаш имконини берган;

Gentiana karelinii ўсимлигидан ажратиб олинган мангиферин фенол бирикмаси сувдаги патоген микроорганизмларга қарши антибактериал ва бактерицид хоссасини аниқлаш бўйича Давлат геология кўмитасининг «ГИДРОИНГЕО институти» Давлат корхонаси намуна ер ости сувларида жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 5 апрелдаги 04/06-сон маълумотномаси). Натижада сувни патоген микроорганизмлардан тозаловчи ўсимлик экстрактидаги мангиферин фенол бирикмасини бактерицид филтрловчи материал сифатида фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 12 таси Республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Флавоноидлар, қсантонлар ва уларнинг гликозидлари умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида флавоноидлар, қсантонлар ва уларнинг гликозидлари тузилиши, классификацияси, кимёвий таркиби ҳамда тузилишини қайд этиш усуллари ҳақида адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили берилган. Мазкур

шарҳлар асосида тадқиқот ишининг объектини танлаш ҳақидаги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси»да (II-V боблар) 10 турдаги ўсимликдан ажратиб олинган 57 та табиий бирикмани ажратиб олиш, уларнинг тузилишини тасдиқлаш ва биологик фаоллигини тадқиқ этиш борасидаги изланиш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи («Тадқиқ этилган ўсимликлар флавоноидлари») бобида ўрганилган ўсимликлар, уларнинг турлари, хоссалари, табиий бирикмалари тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўрганилган ўсимлик турларидан 28 та флавоноид, 12 та ксатон, 8 та азот тутган бирикма, 5 та фенолкарбон кислоталари, 3 та стерин ва 1 та кумарин ажратиб олингани, шулардан 5 таси янги табиий модда экани спектрал усуллар (ИК-, УБ-, ^1H ^{13}C -ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия) ёрдамида исботлангани ҳамда физик-кимёвий доимийлари аниқлангани ҳақида маълумотлар келтирилган (1- ва 2-жадваллар).

1- жадвал

Ўрганилган ўсимликлар ва улардан ажратиб олинган бирикмалар

Ўсимликлар	Ажратилган бирикмалар
<i>Fabaceae. Caragana alaiica Pojark</i>	Флавоноидлар: Лютеолин-7-О-β-D- галактопирано-зид, кверцетин - 3-О-α-D- рамнопиранозид, кверцетин - 3-О-β-D- глюкопиранозид, изорамнетин -3-О-β-D-рам-нопиранозид, изорамнетин -3-О-β-D- глюкопиранозид, вистин, одоратин -7-О-β-D-глюкопиранозид.
<i>Pseudosiphora alopecuroides L. Sweet</i>	Флавоноидлар: вексибинол, инермин, трифолиризин, генистеин, изобавахин, софорафлаванон I
<i>Psoaralea drupaceae Bunge</i>	Флавоноидлар: даидзин
<i>Astragalus ordiculatis</i>	Флавоноидлар: сферозин
<i>Euphorbiaceae. Euphorbia ferganensis B. Fedtsch</i>	Фенолкарбон кислоталар: галл кислота, эллаг кислота, этилгаллат, 3-О-метилэллаг кислота, 3.3-ди-О-метилэллага кислота Стеринлар: β-амирин, β-амирин ацетати, β-ситостерин Кумарин: скополетин
<i>Asteraceae oilasi. Russowia sogdiana (Bge). Fedtsch</i>	Флавоноидлар: кверцетин, кверцетин-7-О-β-D- глюкопиранозид, изорамнетин-7-О-β-D-глюкопира-нозид, сапонаретин, витексин
<i>Resedaceae. R.luteola L.</i>	Алкалоидлар: β-оксифенилэтиламин, долчин амид кислотаси, разедин, разединин, фенил-β-нафтиламин, лутин, лутинин Флавоноидлар: лютеолин, цинарозид, лютеолин-3-О-β-D- глюкофуранозид, брассидин, 7-О-α-L-рамно-3-О-β-D-глюкозид кемиферола
<i>Reseda lutea.</i>	Алкалоидлар: фенил-β-нафтиламин, лутеанин
<i>Gentianaceae. Gentianaalgida Pall.</i>	Ксантонлар: беллидифолин, изобеллидифолин, сверхириин 1,5,8- тригидрокси-3,4-диметоксиксантон, сверцианолин Флавоноидлар: свертизин

<i>Gentiana Karelinii Griseb</i>	Ксантонлар: изобеллидифолин, сверхирин, сверцианин (гентиакохианин), гентиакаулеин сверциаперенин, мангиферин, сверцианин 8-О-β-D-глюкопиранозиди, гентиакохианозид, ксилоглюкозид гентиакохианин Флавоноидлар: изоориентин
----------------------------------	---

Изоҳ: ажратиб олинган янги моддалар номи тўқ ҳарфлар билан келтирилган

2-жадвал

Ажратилган флавоноидларнинг физик-кимёвий хоссалари

№	Бирикма	Таркиби	T _{суюқ} , °C	[α] _D
1	Генистеин	C ₁₅ H ₁₀ O ₅	299-302	-
2	Лютеолин	C ₁₅ H ₁₀ O ₆	325-327	-
3	Кверцетин	C ₁₅ H ₁₀ O ₇	313-315	-
4	Инермин	C ₁₆ H ₁₂ O ₅	180-181	-211.4 ^{0*}
5	Лютеолин-3-О-β-D-глюкофуранозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₁	181-182	-2.2 ^{0***}
6	Сферозин	C ₁₇ H ₁₈ O ₅	149-150	-
7	Изобавахин	C ₂₀ H ₂₀ O ₄	204-205	-45.8 ^{0*}
8	Даидзин	C ₂₁ H ₂₀ O ₉	235-236	-
9	Глаброл	C ₂₄ H ₂₈ O ₄	136-137	-39.2 ^{0**}
10	Сапонаретин	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₀	222-224	-
11	Витексин	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₀	247-249	-
12	Трифолризин	C ₂₁ H ₂₄ O ₁₀	140-141	-
13	Цинарозид (лютеолин-7-О-β-D-глюкопиранозид)	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₁	240-242	-
14	Лютеолин-7-О-β-D-галактопиранозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₁	231-232	-
15	Изоориентин	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₁	233-235	-
16	Кверцетин-3-О-α-L-рамнопиранозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₁	185-186	-
17	Кверцетин-3-О-β-D-глюкопиранозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₂	238-239	-
18	Кверцетин-7-О-β-D-глюкопиранозид	C ₂₁ H ₂₀ O ₁₂	245-247	-
19	Свертизин	C ₂₂ H ₂₂ O ₁₀	246-247	-
20	Изорамнетин-3-О-β-D-рамнопиранозид	C ₂₂ H ₂₂ O ₁₁	155-157	-
21	Изорамнетин-3-О-β-D-глюкопиранозид	C ₂₂ H ₂₂ O ₁₂	163-165	-
22	Изорамнетин-7-О-β-D-глюкопиранозид	C ₂₂ H ₂₂ O ₁₂	250-252	-
23	Вистин	C ₂₃ H ₂₄ O ₁₀	190-192	-
24	Одоратин-7-О-β-D-глюкопиранозид	C ₂₃ H ₂₄ O ₁₁	178-180	-
25	Вексибинол	C ₂₅ H ₂₈ O ₆	170-172	-
26	7-О-α-L-рамно-3-О-β-D-глюкозид кемиферола	C ₂₇ H ₃₀ O ₁₅	190-192	-
27	Брассидин (7-О-α-L-рамно-3-О-β-D-глюкозид изорамнетина)	C ₂₈ H ₁₂ O ₁₆	219-221	-
28	Софорафлаванон I	C ₃₈ H ₃₈ O ₉	137-140	-97.8 ^{0***}


* (EtOH), ** (MeOH), *** (ДМФА)

Изоҳ: ажратиб олинган янги моддалар номи тўқ ҳарфлар билан келтирилган

Лютеолин 3¹-О-β-D-глюкофуранозид (5)

Бирикма таркиби C₂₁H₂₀O₁₁, T_{суюқ} 181-182⁰C (спирт), [α]_D -2.2⁰ (ДМФА), λ_{мах} CH₃OH 243, 270, 343 нм λ_{мах} CH₃COONa 270, 353 нм, λ_{мах} CH₃COONa/H₃BO₃ 269, 352 нм, λ_{мах} CH₃ONa 268, 396 нм, λ_{мах} ZrO₁₂ 271, 368 нм. УБ спектрнинг юқорида қайд этилган кўрсаткичлари флавоин ядросининг 5-, 7- ва 4- ҳолатида эркин фенол гидроксил гуруҳлар мавжуд эканлигини тасдиқлайди. Бирикманинг кислотали гидролизда лютеолин (6) ва D-

глюкозанинг эквимоляр миқдори ҳосил бўлади, гидролиз бошланишидан 5-10 дақиқа ўтганда агликон чўкмаси тушиши кузатилади (1-чизма). Гликозид



1-чизма. Лютеолин 3¹-О-β-D-глюкофуранозиднинг кислотали гидролизи

(5) ни сирка ангидрид билан пиридин иштирокида ацетиллаш орқали гептаацетил ҳосиласи олинди ($T_{\text{суюқ.}} 109-112^{\circ}\text{C.}$), Бинобарин, 5-модда глюкоза қолдиғи агликон 3¹ ҳолатида гидроксил гуруҳга бириккан лютеолиннинг моногликозиди бўлиб, бу тахмин дейтеропиридинда олинган флавоногликозид (5) ва цинарозид (лютеолин-7-О-β-D-глюкопиранозид) ПМР спектрларининг қиёслаш билан ҳам тасдиқланди.

Лютеолин 3¹-О-β-D-глюкофуранозид ПМР спектрида Н-6 ва Н-8 протонларининг 6,60 ва 6,69 м.у даги дублет кўринишидаги сигналлари (ССЎТК $J= 2$ Гц) лютеолин-7-О-β-D- глюкопиранозиднинг тегишли сигналла-рига нисбатан кучлироқ майдонга (6,67 ва 6,84 м.у. да дублет) силжиши 7-ҳо-латда қанд қолдиғи мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари гликозид (5) ПМР спектрида Н-3 (6,78 м.у., синглет), Н-2¹ (7,36 м.у.), Н-5¹ (7,11 м.у., дублет, $J=8,5$ Гц), Н-6¹ (7,36 м.у., дублет, $J_1=8,5$ Гц, $J_2=2$ Гц) протонлари ҳамда қанд қисми протонлари (6Н, 3,94 –4,54 м.у.) қайд этилди, D-глюкоза қолдиғи аномер протони кенг сигнални 5,59 м.у. да намоён бўлади.

Флавоногликозид (5) нинг узум ферменти таъсирида гидролизида лютеолиннинг (6) ҳосил бўлиши ҳам молекулада D-глюкоза билан β-гликозид боғ мавжудлигидан далолат беради.

Шунингдек, ушбу бирикманинг ИК спектрида 1035, 1076 cm^{-1} да ютилиш чизиғининг мавжудлиги ва унинг суюлтирилган кислотада осон гидролизланиши ҳам D-глюкоза қолдиғининг фураноз шаклига ишора қилади. Демак, янги флавоногликозид лютеолин 3¹-О-β-D-глюкофуранозид тузилишига эга.

Ксантонлар ва уларнинг гликозидларини тизимли тахлили

Gentiana L туркум ўсимлиги икки турининг кимёвий таркибини ўрганиш натижасида 12 та ксантон (5 таси гликозид ва 1 таси ксантон-С-гликозиди) ажратиб олинган. Улар ичида битта янги ксантон гликозиди илк бор аниқланди. Ксантонлар 1,3,7,8- (7та модда) ва 1,3,5,8- (4та модда) тетраоксиксантон ҳосиласи кўринишида ажратиб олинди. Мангиферин ксантон-С-гликозидни 1,3,6,7-тетраоксиксантон ҳосиласидир. Ажратиб

олинган ксантонларнинг физик-кимёвий доимийлари 3-жадвалда келтирилган.

3 – жадвал

***Gentiana L* ксантонлари ва уларнинг гликозидлари**

№	Бирикмалар	Таркиби	T _{суюк} , °C
1	Беллидифолин	C ₁₄ H ₁₀ O ₆	237-274
2	Изобеллидифолин	C ₁₄ H ₁₀ O ₆	259-261
3	Сверхирин	C ₁₅ H ₁₂ O ₆	186-187
4	Гентиакаулеин	C ₁₅ H ₁₂ O ₆	192-193
5	Сверциперенин	C ₁₅ H ₁₂ O ₆	188-189
6	1,5,8-тригидрокси-3,4-диметоксиксантон	C ₁₅ H ₁₂ O ₇	264-266
7	Ксилогликозид гентиакохианин	C ₂₅ H ₂₈ O ₁₅	246-247
8	Сверцианин(гентиакохианин)	C ₁₄ H ₁₀ O ₆	222-224
9	Мангиферин	C ₁₉ H ₁₈ O ₁₁	258-260
10	Сверцианолин	C ₂₀ H ₁₀ O ₁₁	216-217
11	8-O-β-D-глюкопиранозид сверцианин	C ₂₀ H ₁₀ O ₁₁	218-219
12	Гентиакохианозид	C ₂₅ H ₂₈ O ₁₅	209-210

Изох: ажратиб олинган янги моддалар номи тўқ ҳарфлар билан келтирилган

Моддалар тузилиши УБ-, ПМР- ва ¹³C-ЯМР-спектроскопия, масс спектрометрия маълумотлари, кимёвий ўзгаришлар натижалари (метиллаш, ацетиллаш, кислотали гидролиз), шуниндек, физик-кимёвий катталиклар ва спектрал маълумотларнинг адабиётларда берилган маълумотлар билан қиёсланиши асосида тасдиқланди.

Ксилогликозид гентиакохианин (7)


C₂₅H₂₈O₁₅ таркибли кристал сариқ модданинг суюкланиш ҳароти 246-247°C га тенг. Мазкур модда *Gentiana.Karelinii* ер усти қисми спиртли экстрактининг бутанол фракциясидан ажратиб олинди.

Тадқиқ этилаётган бирикманинг УБ-спектрида тетраалмашинган ксантонларга хос ютилиш чизиқлари λ_{мах} 237, 263, 316 ва 381 нм да намоён бўлди.

Модданинг ПМР-спектрида битта метоксил гуруҳи (3.58 м.у., с) ва 1,3,7,8-тетраалмашинган ксантон ядросининг 4 та ароматик протонлари сигналлари: Н-2 (6.28 м.у., д, J=2,0 Гц), Н-4 (6.36 м.у., д, J=2,0 Гц), Н-5 (7.06 м.у., д, J=9,0Гц) ва Н-6 (7.38 м.у., д, J=9,0 Гц) қайд этилди. Спектрнинг кучсиз майдон соҳасида (13.07 м.у.) хелат гидроксил гуруҳининг кенг кўламли синглет кўринишидаги сигнали кузатилди. Бундан ташқари, спектрда иккита аномер протоннинг: Н-1¹ (5,30 м.у., д, J=6,5 Гц) ва Н-1¹¹ (4.73 м.у., д, J=7,0 Гц), шунингдек, 3,64-4,39 м.у. соҳада углевод қолдиқларининг бошқа протонлари сигнали аниқланиши бу модданинг ксантон гликозиди эканлигидан далолат беради.

Гликозид (7) нинг 5%-ли хлорид кислота таъсирида гидролитик парчаланиши сверцианин (8) (1,7,8-учгидрокси-3-метоксиксантон) билан D-глюкоза ҳамда D-ксилоза моносахаридлари ҳосил бўлишига олиб келди (2 - чизма).

Гликозид (7) ни пиридин иштирокида сирка ангидрид билан ацетиллаганда унинг октаацетил ҳосиласи ($T_{\text{суюк.}} 112-114^{\circ}\text{C}$) осон ҳосил бўлади. Ҳосила масс-спектрида молекуляр ионнинг ($m/e 904$) интенсивлиги паст чўққиси билан бир қаторда ацетат дисахарид ($m/e 547$) ҳамда учацетилксилоза қолдиқларининг ($m/e 259, 199, 139$) интенсивлиги юқори чўққилари кузатилиши модданинг терминал D-ксилоза углеводи тутган биозидлигидан далолат беради.



2-чизма. Ксилоглокозид гентиакохианиннинг кимёвий ўзгариши

Гликозиднинг 0,5% ли сульфат кислота билан қисман гидролизланиши натижасида ҳосил бўлган бирикма УБ- ва ПМР-спектри маълумотлари ҳамда физик-кимёвий хоссаларига ($\text{C}_{20}\text{H}_{10}\text{O}_{11}$, $T_{\text{суюк.}} 217-219^{\circ}\text{C}$, $\lambda_{\text{max}} 235, 263, 316, 379 \text{ nm}$) кўра сверцианин 8-O- β -D-глюкопиранозид билан айнан. Углевод қисм тузилишини аниқлаш мақсадида гликозидни Хакомори усулида метилланди. Метиллаш маҳсулоти гидролизатида ГСХ ва ЮҚХ усуллари ёрдамида 3,4,6-уч-O-метил-D-глюкопираноза ва 3,4-уч-O-метил-D-ксилопираноза қайд этилди.

Шундай қилиб, гликозид (7) молекуласида охириги D-ксилоза D-глюкозага 1→2 боғ билан боғланган ва у 8-O-[(β -D-ксилопиранозид)(1→2)- β -D-глюкопиранозид]-1,7-дигидрокси-3-метоксисантон тузилишга эга. Бирикма гентиакохианиннинг янги гликозиди (7) дея эътироф этилди.

Фенолкарбон кислоталари, кумаринлар, стероидлар ва уларнинг ҳосилалари тузилиши

Euphorbia ferganensis B.Fedstch кимёвий таркибини ўрганиш жараёнида 9 та бирикма, шу жумладан, эллаг кислотаси ва унинг 2 та метил эфири, галл кислота ва унинг этил эфири, стероид синфига мансуб 3 та модда, 1 та кумарин ажратилди. Моддаларнинг физик-кимёвий доимийлари 4-жадвалда келтирилган. Битта янги модданинг тузилиш аниқланди.

Ажратилган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари

№	Бирикмалар	Таркиби	Т.суюл	$[\alpha]_D$, эритувчи
1	Гал кислота	$C_7H_6O_5$	220-222	-
2	Эллаг кислота	$C_{14}H_6O_8$	357-359	-
3	Этилгаллат	$C_9H_{10}O_8$	158-160	-
4	Эллаг кислота 3'-О-метил эфири	$C_{10}H_8O_8$	303-305	-
5	3,3-ди-О-метил эллаг кислота	$C_{16}H_{10}O_8$	328-330	-
6	Скополетин	$C_{10}H_8O_4$	203-205	+32.6 *
7	β -амирин	$C_{30}H_{50}O$	195-197	+89 \pm 2 ⁰ ***
8	Ацетат β -амирин	$C_{32}H_{52}O_2$	233-235	+89 \pm 2 ⁰ ***
9	β -ситостерин	$C_{29}H_{50}O$	132-133	-

* (метанол), ** (хлороформ), *** (бензол)

Изоҳ: ажратиш олинган янги модда номи тўқ ҳарфлар билан келтирилган

Эллаг кислотанинг 3'-О- метил эфири


Бирикма таркиби: $C_{15}H_8O_8$, $T_{\text{суюк}}$ 303-305 °C, ν_{max} 3450-3030 cm^{-1} (-ОН гуруҳ-лар), 1725-1707 (C=O), 1615, 1590, 1510 (ароматик -C=C- боғлар).

Модданинг УБ-спектрида ютилиш максимумлари 254 (I_{ge} 3,59), 358 (I_{ge} 391), 372 (I_{ge} 396) нм да намоён бўлади ва у эллаг кислотасининг 3,3¹-ди-О-метил эфири спектрига яқин.

Модда ПМР спектрида (C_5D_5N , δ , м.д., 0-ГМДС) уч протонли синглет (4,08 м.у., Ar – OCH₃), 7,88 (H-5) ва 7,94 м.у. (H-5') да 2 та бир протонли синглет, 7,52-8,06 м.у. да эса фенолгидроксил гуруҳ протонларига хос кенг қўламли сигналлар кузатилади. Моддага учфторсирка кислота (УФК) қўшиб, спектри олинганда, УФК нинг ОН-гуруҳ протони билан алмашилиши натижасида 7.52-8.06 м.у. даги сигнал кучсиз майдонга силжийди ва 8,4 м.у. да кенг қўламли синглет кўринишида намоён бўлди.

Бирикма масс спектрида молекуляр ионнинг (m/e 316) интензив чўққиси билан бир қаторда m/e 301 (M^+ - CH₃), 287 (M -CHO)⁺, 273 (M -CH₃-CO)⁺, 259, 231 ва бошқа ион чўққилари ҳам кузатилди.

Бирикма ацетилланганда унинг уч ацил гуруҳи тутган ҳосиласи ($T_{\text{суюк}}$ 251-252 °C; δ 2,20 м.у., 9H; ν_{max} , cm^{-1} 1800, 1758, 1613, 1582, 1480, 1250), diazometan билан метилланганда эса уч метил эфири ($T_{\text{суюк}}$ 343-344 °C; M^+ 356; ν_{max} 1741, 1616, 1577, 1497 cm^{-1}) ҳосил бўлиши аниқланди (3-чизма).



3-чизма. Эллаг кислотаси 3'-О-метил эфирининг кимёвий ўзгариши

Метиллаш маҳсулоти физик-кимёвий катталиклари ва спектрал хусусиятларига кўра эллаг кислотаси тетраметил эфирига айнан ўхшашлиги. унинг эллаг кислотасининг монометил эфири эканлигида далолат берар.

Юқорида қайд этилганидек, модданинг УБ спектри эллаг кислотаси 3,3'-ди-О-метил эфири спектрига яқин, лекин эллаг кислотаси 4,4'-ди-О-метил эфири спектридан кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, унинг ¹³СЯМР спектрида Ar-OCH₃ гуруҳи углеродининг сигнали 60.8 м.у. да намоён бўлиши бензол ҳалқасидаги фазовий чекланган метоксил гуруҳига хос. Бу эса эллаг кислотасининг С-3 ва С-3' ҳолатига мос келади, лекин молекула-нинг симметриклиги туфайли иккала ҳолат ҳам тенг қийматли. ¹³СЯМР спектрда углерод ядролари сигналлари ҳолатини 3,3'-ди-О-метилэллаг кислотасининг турли ҳолатдаги аналогик спектри (off resonance) билан қиёслаш натижасида (5-жадвал) ажратиб олинган янги модда эллаг кислотасининг 3'-О-метил эфири деб қайд этилди. Мазкур янги модда илмий адабиётда қайд этилмаган.

5 -жадвал

Эллаг кислотасининг 3'-О-метил эфири ¹³СЯМР спектрини кимёвий силжиши

Углерод атоми	δ, м.у.	Углерод атоми	δ, м.у.
1	111,7	1'	111,9
2	140,0	2'	136,0
3	139,8	3'	139,8
4	151,9	4'	148,2
5	111,2	5'	110,2
6	112,2	6'	107,0
7	158,6	7'	158,7
		CH ₃ O-	60,8

Диссертациянинг «*Reseda luteola* ва *Reseda lutea* ўсимликларининг азот тутган бирикмалари тадқиқоти» деб номланган учинчи бобида *Reseda* туркумига мансуб 2 тур ўсимликнинг азот тутган бирикмалари тадқиқотига доир олинган натижалар муҳокама қилинган.

Тадқиқот учун танланган *Reseda luteola* ва *Reseda lutea* ўсимликлари ривожланишининг турли даврида Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани худудидан терилган

Алкалоид суммасини ажратиш ва бўлиш

Оддий хлороформ усули билан экстракция қилинганда алкалоидлар суммаси жуда паст унум – 0,02% (*Reseda luteola*) ва 0,001% (*Reseda lutea*) билан ажратиб олинди. Бунда ўсимликдаги алкалоидлар суммасининг асосий қисми хлороформга ўтмаслиги, қолган қисми эса ишқор эритмасида яхши эригани боис, органик эритувчига ўтмаслиги аниқланди. Шунинг учун *Reseda luteola* ўсимлиги сульфат кислотасининг 1%-ли эритмаси билан экстракция қилинди. Экстракт аввал КУ-1, сўнгра КУ-2 катионитидан ўтказилди. *Reseda lutea* ўсимлиги 96%-ли этил спиртида экстракция қилинди. Қуюлтирилган экстрактни сув билан суюлтириб, КУ-1 катионитидан

ўтказилди, алкалоидлар катионитдан аммиакнинг спиртдаги эритмаси таъсирида десорбция қилинди.

Аммиакнинг спиртдаги эритмаси паст босимда куйилтирилган, ундаги алкалоидлар эрувчанлигига қараб петролей эфири, этил эфири ёки хлороформга ўтказилди. Натижада *Reseda luteola* дан ажратиб олинган алкалоидлар суммаси 0,11% ни, *Reseda lutea* дан эса 0,02% ни ташкил этди. Колонкали хроматография (SiO_2) усули ёрдамида алкалоидлар суммасидаги моддаларнинг органик эритувчилардаги эрувчанлигига қараб 8 та бирикма ажратиб олинди (6-жадвал). Булар ичида β -оксифенилэтиламин, лутеанин резедин, фенил- β -нафтиламин, лутин ва лутинин каби маълум синтетик бирикмалар табиатда илк бор қайд этилди, долчин кислотаси амиди эса бу оила ўсимлигида биринчи марта аниқланди.

6-жадвал

Reseda luteola ва *Reseda lutea* алкалоидлари

№	Алкалоид номи	Таркиби	$T_{\text{суюк.}}^{\circ}\text{C}$	$[\alpha]_{\text{D}}$, CH_3OH
1	β-оксифенилэтиламин	$\text{C}_7\text{H}_{11}\text{NO}$	112-114	± 0
2	Лутеанин	$\text{C}_8\text{H}_7\text{NO}_2$	185-187	-
3	Долгин кислота амиди	$\text{C}_9\text{H}_9\text{NO}$	144-145	-
4	Резедин	$\text{C}_9\text{H}_9\text{NO}_2$	88-89	± 0
5	Резединин	$\text{C}_9\text{H}_9\text{NOS}$	119-121	$+70$
6	фенил - β -нафтиламин	$\text{C}_{16}\text{H}_{13}\text{N}$	109-110	-
7	Лутин	$\text{C}_{16}\text{H}_{11}\text{NO}_2$	185-186	-
8	Лутинин	$\text{C}_{22}\text{H}_{16}\text{N}_2\text{O}$	177-179	-

Изоҳ: Ажратиб олинган янги моддалар номи тўқ ҳарфлар билан келтирилган

Reseda luteola ўсимлиги турли органларида йиғилган алкалоидлар суммасининг ривожланиш фазасига боғлиқлиги 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Reseda luteola ўсимлиги алкалоидлари суммаси миқдори

Терим вақти (2009 й)	Ривожланиш фазаси	Ўсимлик органи	Алкалоидлар йиғиндиси, % (куруқ массага нисбатан)
25.04	Жадал ўсиш даври	ер усти қисми	0,12(52,06)*
		илдизи	0,11(45,02)*
25.05	Гуллаш даври	ер усти қисми	0,11(17,00)**
		илдизи	0,07
10.06	Ялпи мева бериш даври	ер усти қисми	0,05
		илдизи	
5.07	Веgetация охири (ер усти қисми қуриши)	ер усти қисми	0,01(3,1)*
		илдизи	0,06
		уруғи	0,001

Изоҳ: Резедин (*) ва резедининнинг (**) суммага нисбатан фоиз миқдори

Жадвалдан кўришиб турибдики, алкалоидлар суммасининг максимал миқдори ўсимликнинг жадал ўсиш даврида унинг ер усти қисми ва илдизида йиғилади. Резединнинг ер усти қисмидаги энг кўп миқдори ўсимликнинг ривожланиш даврига, минимал миқдори эса вегетация охирига тўғри келади. Резедининнинг максимал миқдори ўсимликнинг ер усти қисмида гуллаш


даврига тўғри келади. Олинган натижалар С.Ю.Юнусов томонидан очилган қонуниятга мос келади.

***Reseda lutea* ўсимлиги ер устки қисми алкалоидлари. Лутеанин**

Қуруқ *Reseda lutea* ўсимлиги ер усти қисмининг этил спиртидаги қуюлтирилган экстрактини сув билан суюлтирилиб (1:20), КУ-1 катионитдан ўтказилди. Катионит сув, спирт билан ювилди ва катионитдаги алкалоидлар аммиакнинг спиртдаги 1%-ли эритмаси билан десорбция қилинди. Элюат қуюлтирилгач, ундаги алкалоидлар петролей эфир, этил эфир, хлороформ билан ажратиб олинди. Органик эритувчидаги алкалоидлар сульфат кислотасининг 10%-ли эритмасига ўтказилди. Нордон эритмалар эфир билан ювилди, 25%-ли аммиак билан ишқорланди, алкалоидлар суммаси эфир ёки хлороформ билан ажратиб олинди. Натижада қуруқ ўсимлик миқдорига нисбатан 0,02% унум билан жами 20 г алкалоидлар суммаси ажратиб олинди.


Алкалоидларнинг эфир ва хлороформдаги суммасини силикагелли колонкада (1:30) петролей эфири билан ювилганда фенил-β-нафтиламин (0,012г), бензолдаги фракциядан 0,22 г лутеанин ажратиб олинди.

Ажратиб олинган янги табиий оқ кристал модда – лутеанин ($C_8H_7NO_2$, м.м. 149) нинг ИК спектрида $-NH$ ($3240-3280\text{ см}^{-1}$), карбонил гуруҳ ($1710-1720\text{ см}^{-1}$) ва орто-диалмашинган бензол халқасининг (750 см^{-1}) валент тебранишлари ютиш чизиклари қайд этилди (1-расм).




1-расм. Лутеанин ИК-спектри

Лутеаниннинг ПМР спектрида ароматик ҳалқа 4 та протонининг маркази 6,78 м.у.да бўлган мультиплети ҳамда ароматик ҳалқа билан боғланган метилен гуруҳи 2 та протонининг синглети 4,26 м.у.да кузатилди (2-расм).





2-расм. Лутеанин ПМР-спектри

Лутеаниннинг масс-спектрида молекуляр ион (M^+ , m/e 149) билан бир қаторда бошқа ионларнинг (m/e 106, 78 ва 39) интенсив чўққилари кузатилди. Метастабил ионлар чўққиларининг қайд этилиши $75,4^x=149^+ \rightarrow 106^+$ ва $57,3^x=106^+ \rightarrow 78^+$ ўтишлар амалга ошишини тасдиқлайди. Олинган натижалар лутеанин ҳалқасимон карбамат экани ҳамда унинг тузилиши **a** ёки **b** билан ифодаланиши мумкинлиги ҳақида тахмин қилиш имконини беради.




3-расм. Лутеанин масс-спектри

Модданинг тахминий тузилиш формулалари (*a* ёки *б*) орасидаги якуний қарорга келиш учун у кислотали шароитда гидролиз қилинди (4-чизма). Натижада олинган кристалл фенол бирикма *в* билан орто-бензиламиннинг суюқланиш ҳарорати (106-108 °С) ҳамда масс-спектри (M^+ , m/e 123; m/e 106, 78 ва 30) маълумотлари мос эканлиги боис лутеаниннинг тузилиши 2-оксо-дигидро-1,3-бензооксазин (*a*) билан айнан дея хулоса чиқарилди. Мазкур синтетик модда азалдан маълум бўлган бўлсада, ўсимликдан биринчи марта ажратиб олинди.




4-чизма. Лутеаниннинг кислотали гидролизи

1-Фенил 2-аминоэтанол ($C_8H_{11}NO$, м.м.137, $T_{\text{суюқ.}}$ 112-114 °С (хлф)) рангсиз кристалл кўринишга эга алкалоид,. Асоснинг ИҚ спектрида мавжуд функционал гуруҳларга хос кенг ютилиш чизиқлари 3390 см^{-1} ($-NH_2$, $-OH$) ва $760, 710\text{ см}^{-1}$ (моноалмашинган бензол ҳалқаси)да намоён бўлди (4-расм).




4-расм. β-оксифенилэтиламин ИҚ-спектри

Алкалоиднинг масс-спектрида m/e 137 (M^+), 107 ($M-30$, 70%), 79 (90%), 30 (100%) ($CH_2=NH_2$) ионлар чўққиси қайд этилиши (5-расм) унинг 1-фенил-2-аминоэтанол эканлигидан далолат беради.




5-расм. β-оксифенилэтиламин масс-спектри




